

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РОЗАКОВ АБДУРАСИЛ АБДУРАХМОНОВИЧ**

**АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ УИЛЬЯМ ЖЕФЕРСОН КЛИНТОН**  
**МАЪМУРИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ**  
**(1992-2000 йй.)**

**07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation**

**Розаков Абдурасил Абдурахмонович**

АҚШ президенти Уильям Жеферсон Клинтон маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий сиёсати (1992-2000 йй.).....5

**Розаков Абдурасил Абдурахмонович**

Социально-экономическая политика администрации президента США Уильяма Джеферсона Клинтона (1992-2000 гг.).....23

**Rozakov Abdurasil Abdurakhmonovich**

Socio-economic policy of the administration of William Jefferson Clinton (1992-2000 years).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works .....47**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РОЗАКОВ АБДУРАСИЛ АБДУРАХМОНОВИЧ**

**АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ УИЛЬЯМ ЖЕФЕРСОН КЛИНТОН  
МАЪМУРИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ  
(1992-2000 йй.)**

**07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. PhD/Tar543  
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))  
манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғуломов Хондамирмирза Ғофурович  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуриддинов Эркин Зухриддинович  
тарих фанлари доктори, профессор

Рахимов Мирзохид Акрамович  
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик  
университети

Диссертация ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
ҳузуридаги DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил  
\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-76-51; факс: (99871) 276-76-  
51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент  
шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-76-51; факс: (99871)  
276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).



А.К.Киргизбаев  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

С.Б.Тилабаев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий кенгаш  
котиби т.ф.н.

М.Х.Обломуродов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида XX асрнинг охириги чорагида глобаллашув шароитида халқаро вазиятнинг кескинлашуви билан бир қаторда етакчи давлатларда ички ижтимоий-иқтисодий муаммолар кўзга ташланиб, мазкур жиҳат сиёсий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга дунёнинг йирик давлатлари томонидан аҳолини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш тизимининг ишлаб чиқилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Унинг негизида ишсизлик, таълим соҳаси, тиббиёт хизмати, нафақа, инфляция, бюджет дефицити, солиқ тизими ва бошқа шунга оид муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур масалаларнинг ечими ривожланган давлатларда турлича кечмоқда. Албатта, мазкур жараёнда халқаро ташкилотлар томонидан бундай ижобий ғояларнинг қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда замонавий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар, хусусан, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва чуқурлашиб кетиши, муаммоларнинг ечими, структуравий жиҳатлари, ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ҳамда ирқий ва диний жараёнларга таъсири, шунингдек, миграцион вазият, колаверса халқаро муносабатларга таъсири масалалари илмий-амалий жиҳатдан устувор мавзулар сифатида кенг ўрганилмоқда. Мазкур ҳолат ижтимоий-иқтисодий муаммоларга оид молиявий соҳалардаги давлат бюджети дефицити ва инфляция, солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнларини объектив тадқиқ этишни тақозо этган ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳада юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ишларнинг самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида «Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш» га алоҳида этибор қаратилган<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил май ойида АҚШга ташрифи жараёнида ҳукумат раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари учрашуви натижасида қатор келишувларга эришилгани икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Зеро, XXI асрнинг дастлабки йилларда АҚШнинг жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий, молиявий етакчилиги айнан У. Ж. Клинтон маъмурияти томонидан олиб борилган ислохотлар самараси бўлиб, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида АҚШдаги ижтимоий ўзгаришлар ва уларнинг натижаларини чуқур таҳлил қилиш ижтимоий сиёсат устувор вазифа бўлган Ўзбекистон учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПФ-5607-сон “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар

---

<sup>1</sup> 2022 — 2026 йилларга Мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари тараққиётининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** АҚШдаги ижтимоий иқтисодиёт ва У.Ж.Клинтон маъмуриятининг 1992-2000 йилларда олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан боғлиқ масалалар илмий адабиётларда ҳар томонлама таҳлил қилинган ва тадқиқотчиларнинг турлича қарашлари мавжуд.

Совет даврига оид тадқиқотларга Н.В.Сивачев, И.П.Дементьев, Е.Ф.Язьков, В.В.Согрин, А.С.Манькин, В.А.Никонов, Ю.Н.Роголев, В.В.Любимов, Д.В.Ермоленко, В.Козлов, Ю.А.Замошкин, Ф.Ю.Мельвиль, С.М.Плеханов ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу ҳолат АҚШдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг назарий асосларини таҳлил этишга ёрдам беради.

Мустақиллик йиларида АҚШ тарихига оид ватан тарихшунослигида илмий-тадқиқот ишларга Х.Ғуломов, А.Холлиева, Б.Б.Очилова, С.Жураева, Х.Маҳкамова, С.Рустамбоевларни тадқиқотларини келтириш мумкин.

АҚШнинг ижтимоий иқтисодиётининг турли қирраларига оид масалалар замонавий хорижий тарихшуносликда А.Э.Аникин, В.Согрин, В.Б.Супян, Л.Ф.Лебедев, А.А.Попов, С.А.Червонная, Н.Т.Вишневская, С.М.Рогов, А.И.Дейкин, В.Г.Клинов, О.П.Богачев, Н.М.Травкина, А.Г.Коняхина, А. Н Исайкина ва бошқа муаллифларнинг ишларида<sup>2</sup> акс этган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ишлар режасидан ўрин олган ОТ-А-1-99-сон “Хорижий адабиётлар асосида Олий ўқув юртлари учун Жаҳон тарихи дарслигининг 1-томини тайёрлаш” мавзусидаги (2017-2018 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** АҚШда ички сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва У.Ж.Клинтон президентлик давридаги ижтимоий иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳиятини очиб беришдан иборат.

---

<sup>2</sup> Илмий ишнинг ўрганилганлик даражаси яъни, тарихшунослиги ва манбашунослиги биринчи бобнинг биринчи параграфида батафсил маълумот берилган.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

АҚШ ички сиёсатининг асосий устувор йўналишларини тадқиқ қилиш;  
АҚШдаги Республикачилар ва Демократик партияларнинг бюджет дефицити бўйича асосий режаларини таҳлил этиш;

ички сиёсат соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш учун У.Д.Клинтон маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тадбирларни ёритиш;

ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш;

неолиберализм ва неоконсерватизм оқимларининг соғлиқни сақлаш тизими, ишсизлик муаммоларни ҳал этишдаги роли ва таъсирини очиқ бериш;

У.Ж.Клинтон маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий дастурларининг хусусиятларини тавсифлаш;

Америка жамиятининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш механизмлари ва усулларини таҳлил қилиш;

1990 йиллар давомида АҚШдаги ижтимоий-иқтисодий ва молиявий ўзгаришларнинг натижаларини умумлаштириш орқали кейинги Америка президентларини бюджет сиёсатига таъсир доирасини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот объектини** У.Ж.Клинтон маъмурияти даврида АҚШ ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳияти ташкил қилади.

**Тадқиқот предмети** сифатида У.Ж.Клинтон маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширган ислохотлари, тараққиёт ва трансформация жараёнлари белгиланган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий ва муаммовий – хронологик, фанлараро ёндашув таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

У.Ж.Клинтон сайлов олди дастурида “ёддан чиққан ўрта табақа”нинг қайта уйғотиш фикрига асосланиб, бу табақа учун тиббиёт ва солиқ соҳасидаги фаровонлик таклифлари ҳамда иқтисодиёт соҳасида тадбиркорликни прогрессив томонга ривожлантириб, мудофаа соҳасига қаратилган молиялаштиришни қисқартириш йўлидаги стратегик режалари сайловда ғолиб чиқишига замин яратганлиги исботланган;

У.Ж.Клинтон маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида ўрта қатламга қаратилган америкача ижтимоий таъминлаш тизимини ислоҳ қилиши оқибатида мамлакатда иқтисодий юксалиш таъминланиб, натижада XX асрнинг охирида давлат тарихидаги энг узоқ иқтисодий ўсиш бўлганлиги далилланган;

мамлакатда республикачилар билан келишув йўлини излаш учун “янги демократлар” давлат бюджетини ўзгартиришда “учинчи йўл” стратегияси томон бориб, муҳолифат талабларини қисман бажариши натижасида мамлакатда бюджет муаммосини ҳал қилишга ва давлат бошқарувининг икки тармоғини (Конгресс ва президент) яқинлаштиришга имкон берганлиги исботланган;

У.Ж.Клинтоннинг ижтимоий ҳаётдаги айрим йўналишлари яъни миллий соғлиқни сақлаш тизими ислоҳоти, ишсизлик, ҳар бир америкаликни олий маълумот олиш имконияти билан таъминлаш каби дастурлари унинг соҳадаги ислоҳотларининг ўзаги сифатида намоён бўлиб, федерал ҳукумат қўшимча молиялаштириш имкониятига эга бўлиши баробарида федерал штатлар маъмуриятлари ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга ва уларни фаоллашувига олиб келганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли манбаларни чуқур ўрганиш орқали АҚШ конгресси ва бевосита президентнинг йиллик ҳисоботлари, шунингдек, ички сиёсат соҳасида У.Ж.Клинтон маъмуриятининг 1992-2000 йиллардаги фаолияти масалалари таҳлил қилинган;

XX аср охири – XXI аср бошларида АҚШда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг хусусиятлари аниқланган, мафкуравий ва сиёсий таъсир омилларининг ижтимоий ва молиявий соҳаларга таъсири аниқланган;

У.Ж.Клинтон бошқаруви даврида бюджет танқислиги, солиққа тортилиши, ишсизлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа шундай соҳаларда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилишига доир қарашлар илгари сурилган;

ички сиёсий ўзгаришларни ўрганишга ёндашувлар ва уларнинг АҚШ ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларини амалга оширишга таъсиридан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон шароитида татбиқ қилиниши мумкин бўйича жиҳатлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотларидан фойдаланилгани, АҚШ демократик партиясининг дастурий ҳужжатлари, АҚШ президентининг Конгресс олдида ҳар йили қилган маърузалари, америкашунослик соҳасида етакчи хорижий тадқиқотчиларнинг монографиялари каби бирламчи манбаларга асослангани, концептуал ва қонуний асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АҚШнинг замонавий тарихини тадқиқ қилишда сиёсий ва мафкуравий оқимлар, АҚШ президентлари маъмурияти томонидан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни ўрганиш асосида АҚШнинг демократлардан бўлган 42-чи президенти У.Ж.Клинтон даври тарихий аҳамияти бўйича методологик ёндашувларни такомиллаштириш, янгича илмий қарашларни кенг жорий этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан жаҳон тарихининг замонавий даврини ёритувчи дарслик,

монография, ўқув қўлланма ҳамда маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уильям Жеферсон Клинтон маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий сиёсати тарихини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

У.Ж.Клинтон сайлов олди дастурида “ёддан чиққан ўрта табақа”нинг қайта уйғотиш фикрига асосланиб, бу табақа учун тиббиёт ва солиқ соҳасидаги фаровонлик таклифлари ҳамда иқтисодиёт соҳасида тадбиркорликни прогрессив томонга ривожлантириб, мудофаа соҳасига қаратилган молиялаштиришни қисқартириш йўлидаги стратегик режалари сайловда ғолиб чиқишига замин яратганлигига оид натижалардан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун мўлжалланган “Жаҳон тарихи” (1991-2018 йиллар) дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг 2019 йил 20 мартдаги МХ-01/07-77-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий-гуманитар фанларни такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган.

У.Ж.Клинтон маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида ўрта қатламга қаратилган америкача ижтимоий таъминлаш тизимини ислоҳ қилиши оқибатида мамлакатда иқтисодий юксалиш таъминланиб, натижада XX асрнинг охирида давлат тарихидаги энг узок иқтисодий ўсиш бўлганлигига оид натижалардан 51200300 Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) йўналиши талабалри учун тайёрланган Жаҳон тарихи (Энг янги давр)” дарслигининг “Энг янги даврда АҚШ” мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 89-03-1163-сон маълумотномаси). Натижада “Жаҳон тарихи (Энг янги давр)” фанининг тегишли мавзусининг мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида, апробациясидан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий ишлар нашр этилган. Шундан 10 та республика, 3 та хорижда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Тадқиқот иши Кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмлардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, диссертациянинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги асосланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг ишончлилиги асосланган, диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“У.Ж. Клинтон ижтимоий-иқтисодий бошқарувининг манба-тарихшунослик шарҳи ва назарий асослари”** деб номланиб, У.Ж. Клинтон маъмурияти даврига оид манбаларнинг тарихий шарҳи ҳамда замонавий АҚШнинг урушдан кейинги даврда неолиберализм ва неоконсерватизм сиёсий мавфкураларнинг ривожланиши жараёнлари кўриб чиқилган. Тадқиқот мавзуси Америка Қўшма Штатларининг замонавий тарихига тегишли бўлганлиги сабабли, манбаларнинг аксарияти чоп этилган. Ушбу манбаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин; биринчиси, конгресс ҳужжатлари: 1993 йил январидан 2000 йил декабргача бўлган 103 (1993-1994 йй.), 104 (1995-1996 йй.) ва 105 (1997-1998 йй.) чақириқлари баённомалари<sup>3</sup>; иккинчи гуруҳдаги манбаларни ижро этувчи ҳокимият ҳужжатлари<sup>4</sup>, хусусан, У.Ж. Клинтоннинг Конгрессдаги нутқ ва маърузалари, маълум бир давр фаолият олиб борган маслаҳатчилар қўмитасининг иқтисодий ҳисоботлари<sup>5</sup>, У.Ж.Клинтон,<sup>6</sup> У.Ж.Клинтон ва А.Гор,<sup>7</sup> Р.Рейх,<sup>8</sup> Н.Гингринч<sup>9</sup> ва бошқаларнинг турли таълим муассасалари, шунингдек, соғлиқни сақлаш қўмиталарининг ҳисоботлари ташкил этади<sup>10</sup>. Ушбу манбалар мамлакатнинг ички ривожланишининг кўплаб масалаларига оид хусусиятларни ўзида акс эттирган.

1993 йилдан 2000 йилгача бўлган даврдаги оммавий ахборот воситалари материалларини алоҳида манбалар гуруҳига киритиш мумкин<sup>11</sup>.

<sup>3</sup> Congressional Record. Proceedings and Debates of the 103rd Congress //http://www.gpo.gov; Congressional Record. 104th Congress, 1st and 2nd Sessions //http://www.gpo.gov; Congressional Record. 105th Congress, 1st and 2nd Sessions //http://www.gpo.gov.

<sup>4</sup> Конгресс ҳужжатларининг тўлиқ рўйхати библиографияда кўрсатилган.

<sup>5</sup> Public Papers of the Presidents of the United States. Clinton, W. J. Washington, 1994–2000.

<sup>6</sup> Клинтон Б. Моя жизнь / Б. Клинтон. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.

<sup>7</sup> Clinton B., Gore A. Putting People First: How We Can All Change America. N. Y., 1992.

<sup>8</sup> Reich R. Locked in the Cabinet. Washington, 1998.

<sup>9</sup> Gingrich N. Winning the Future. A 21st century Contract With America. Washington, 2005.

<sup>10</sup> Yale Tuition // http://www.nytimes.com; Massachusetts Institute of Technology // http://tech.mit.edu; Families USA. The Health Care Safety Net: Millions of Low-income People Left Uninsured. July 2001 // http://www.familiesusa.org; America Reads. America Counts // http // www.steinhardt.nyu.edu; Summary of the Balanced Budget Act Relief Package. American Hospital Association // http // www.aha.org; Health Insurance and Health services // http // socialsecurity.gov; Gramlich E. Different Approaches for Dealing with Social Security// Journal of Economic Perspectives. Vol. 10, Number 3. Summer 1996. Pp. 55–66.

<sup>11</sup> «The New York Times», «The Washington Post», «The Nation», «The New Republic», «US News and World Report», «USA Today», «The Time», «Wall Street Journal», «The Huffington Post», «The Economist», «The Boston Globe», «Los Angeles Times», «The Public Interest», «Businessweek» ва бошқ.

Интернет-ресурслар ва АҚШнинг турли молиявий ташкилотларининг сайтлари, шунингдек, турли янгиликлар порталлари<sup>12</sup> шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзунинг назарий асосларини шаклланиши анча олдин бошланган эди. Ва мазкур ҳолат тарихчиларнинг қатор тадқиқотларида акс этган. Хусусан, АҚШ ва Россия тарихшунослик фанида XX асрнинг сўнгги чораги – XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида, АҚШ ижтимоий иқтисодиёти соҳасига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Улар У.Ж.Клинтоннинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ҳақидаги фикр-хулосаларини турли нуктаи-назардан ёритиб ўтишган.

Оқ уйнинг олдинги маъмуриятининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари назарий асослари бўйича олиб борилган илмий изланишларни хронологик равишда совет ва постсовет даврларига ажратиб кўрсатиш мумкин. Совет даври муаллифларининг изланишларида иккита ёндашув ажралиб туради.

Биринчиси, мафкуравий ёндашувга эга бўлган танқидий таҳлил, иккинчиси XX асрнинг 60 йилларнинг ўрталари ва 70 йилларнинг бошларида М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг тарих факультети қошида шаклланган янги тадқиқотчилар мактабининг АҚШ тарихини ўрганишдаги яратган илмий ишларидир. Ушбу мактабнинг илмий изланишларида АҚШдаги сиёсий тизими ва давлат сиёсий институтларининг нисбий мустақиллиги, уларнинг турли хил ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш қобилятига эгаллиги эътироф этилган.

АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарихига оид дастлабки илмий ишлардан В.В.Любимов<sup>13</sup>, Н.И. Бадерко, Э.Ф.Язьков, С.К.Дубининаларни<sup>14</sup>, қайд этиш мумкин. Уларда XX асрнинг 50 йиллардан то 70 йиллари бошларига қадар АҚШнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва молиявий муаммолари ёритилган. АҚШнинг демократ–неолибераллар, республикачи–неоконсерваторларни мафкуравий қарашларини ифодаловчи илмий тадқиқотларга В.Морев, Б.А.Шабадларнинг<sup>15</sup> изланишларини келтириш мумкин. Е.Д.Модржинский, Н.С.Юлина, Ф.Ю.Мелвилнинг<sup>16</sup> илмий мақолалари, Д.В.Ермоленко, В.Козлова, Н.В.Сивачева, Ю.А.Замошкина,

---

<sup>12</sup> Hall A. OBRA 1993: What Taxpayers Can Expect in 1994 // <http://www.taxfoundation.org>; Hodge S. Clinton's FY 1997 Budget: the Era of Big Government Lives on. The Heritage Foundation, March 11, 1996 // <http://www.heritage.org>; US Bureau of Economic Analysis // <http://www.tradingeconomics.com>; Bureau of Economic Analysis. Federal Reserve // <http://www.bea.gov> и др.

<sup>13</sup> Любимов В.В., ред. Социально-экономические проблемы трудящихся капиталистических стран (занятость, заработная плата, потребление). – М.: Мысль, 1974.

<sup>14</sup> Бадерко Н.И. Политика высоких процентных ставок в США: причины, перспективы, противоречия // Сб. науч. трудов МГУ. Под. ред. Язькова Е.Ф. Проблемы американистики. Изд.- 4. – М.: Изд-во МГУ, 1986. – С.177-189; Дубинин С.К. Современная инфляция в США // США и Канада: экономика, политика, культура. - Москва.1996- С. 189-206.

<sup>15</sup> Морев В. Судьба американского консерватизма //Международная жизнь. – Москва,1 964, №7; Шабад Б.А. Империализм и буржуазная социально-политическая мысль // Новая и Новейшая история. – Москва, 1969. №2. – С.11-15;

<sup>16</sup> Модржинская Е.Д. Судьба американского либерализма и неоконсерватизма //Современная буржуазная идеология в США. - М.Наука., 1967; Юлина Н.С. Буржуазные идеологические течения в США.- М.: Наука 1971; Мельвиль Ф.Ю. Социальная философия современного американского консерватизма.- М.:Политиздат,1980 и др.

Ф.Ю.Мелвилле, С.М.Плехановаларнинг тадқиқотларида<sup>17</sup> Америка сиёсий партияларининг мафкуравий қарашларининг ривожланиши ва ўзгариши тарихини ва урушдан кейинги даврда Америка жамиятига таъсири ёритилган.

Иккинчи жаҳон урушдан сўнг У.Ж.Клинтоннинг маъмуриятига қадар АҚШ жамиятининг сиёсий ва мафкуравий ҳаётини Оқ уй учун президентлик курашда республикачилар ва демократлар партиялари ўртасидаги қарама-қаршилик курашининг эволюцияси, яъни, неолиберализм ва неоконсерватизм каби сиёсий ҳаракатларда намоён бўлади. 1992 йилга қадар мафкуравий қарама-қаршиликни шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

биринчиси – неолиберал давр бўлиб, 1930 йилларда Франклин Рузвелтнинг "Янги йўл" дастурини амалга ошириш билан бошланади ва 1969 йилгача давом этган;

иккинчиси – хронологик равишда 1969-1992 йилларни ўз ичига олган-неоконсерватив давр. Неоконсерватизмнинг энг юқори кўтарилиши ва машҳурлиги Р. Рейган ва Дж. Буш (каттаси) президентлиги даврида рўй берди;

учинчиси – 1992 йилдан бошланиб тадқиқотчилар томонидан "янги бошланиш" ёки "неолиберализмга қайтиш" даври сифатида белгиланган.

«Янги либераллар» нинг шаклланиши Ж.Картернинг президентлиги даврида ва «Рейганомика» деб номланган даврда неоконсерваторларнинг фаолиятида содир бўлди<sup>18</sup>.

1960 йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларига келиб неолиберализмда яна учта аниқ шаклланган тенденциялар кузатилди:

1) давлат доирасида, айрим давлат аралашуви концепциялар элементларини қайта кўриб чиқиш;

2) неолиберализм тарафдорлари томонидан бир қатор энг муҳим ижтимоий-фалсафий ва мафкуравий-сиёсий принципларни консерватив ёндашувдан келиб чиқиб ўнг оқим томонга силжиш;

3) маълум бир қатор янги ислоҳот ғояларини илгари сурган давлат-либерал ислоҳот тарафдорлари орасида сўл оқим томон силжиш<sup>19</sup>.

«Рейганомика» ислоҳоти узоққа бормаслиги англаб етган неолибераллар "неоконсерватив давр"даги жамиятнинг барча қатламлари манфаатларига жавоб берадиган янги дастурларини таклиф қилдилар<sup>20</sup>.

1980 йилларнинг охиридаги неолибераллар иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда, давлат бошқарувини бозор иқтисодиётига қарши

<sup>17</sup> Ермоленко Д.В. Американский неоконсерватизм // Вопросы философии. - Москва, 1958, №6; Козлова К. Об экономической платформе консерватизма в США // Мировая экономика и международные отношения. - Москва, 1965, №7; Сивачев Н.В. Идеино-политические предпосылки послевоенной реакции в США. // Новая и новейшая история. – Москва, 1972, №2; Замошкин Ю.А., Мельвиль А.Ю. Между неолиберализмом и неоконсерватизмом – Вопросы философии, Москва, 1976, №11; Мельвиль А.Ю. Идеология американского консерватизма: традиции и современные формы // Вопросы философии, Москва, 1979, №5; Плеханов С.М. Сдвиг вправо - мнимый и реальный // США: экономика, политика, идеология. – Москва, 1979, №12; Мельвиль А.Ю. Идеология американского консерватизма: традиции и современные формы // Вопросы философии. – Москва, 1979, № 5.

<sup>18</sup> Загладин Н. Демократическая партия США: от либерализма к идеологии «третьего пути» // Мировая экономика и международные отношения – Москва, 2000, № 7. - С.61-71.

<sup>19</sup> Гаджиев К.С. Эволюция основных течений американской буржуазной идеологии. – Москва: Наука, 1982. – С. 239.

<sup>20</sup> Trilling R. Party image and electoral behavior. - N.Y., 1976. - P.61-69.

қўймасликни таклиф этишган. У.Ж.Клинтоннинг «Американинг янги бошланиши» дастури эса асосан давлатнинг ички муаммоларга қаратилган эди<sup>21</sup>. Улар ирқий ва диний эътиқодидан қатъий назар, жамиятнинг барча қатламини қамраб оладиган ислоҳотлар ҳисобланган.

Мавзунинг тарихушунослиги ҳақида сўз кетганда, шунингдек, Ватан тарихунослигида амалга оширилган тадқиқотларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Америка Қўшма Штатлари тарихига оид маҳаллий илмий ишлардан Х.Ғ.Ғуломов, А.Ғ.Холлиевнинг илмий монографиялари<sup>22</sup>, Б.Б.Очилов томонидан яратилган монография<sup>23</sup>, С.С.Жўраев, Х.Махкамов, С.Рустамбоевларнинг ҳаммуалифлик ишлари<sup>24</sup>, А.Ғ.Холлиевнинг номзодлик диссертацияси<sup>25</sup> мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси ва АҚШнинг иқтисодий муносабатларига бағишланган.

Хориж тарихушослигида ҳам мавзуга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, АҚШ иқтисодиёти, меҳнат бозори, таълим, тиббиёт, ишсизликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолатини В.Б.Супян<sup>26</sup>, Л.Ф.Лебедева<sup>27</sup>, А.А.Попова<sup>28</sup>, С.А.Червонная<sup>29</sup>, Н.Т. Вишневская<sup>30</sup>, С.М.Рогова, А.И.Деикина, В.Г.Клинова ва О.П.Богачева<sup>31</sup> тадқиқотларида кўриш мумкин. Шунингдек, А.А.Люттов<sup>32</sup>, О.А.Иванова<sup>33</sup>,

<sup>21</sup> Hegel Bowles. The Government and politics of London W1P9HE. - The United States. Tottinham Court Road National Journal, 7<sup>th</sup> November 1992.

<sup>22</sup> Ғуломов Х., Холлиева А. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США. – Ташкент: Университет, 2002

<sup>23</sup> Очилов Б.Б. Генезис и эволюция политики США в Центральной Азии: Монография. – Ташкент: УМЭД, 2017.

<sup>24</sup> Жураева С., Махкамова Х., Рустамбоева С. Америка Кушма Штатлар. «Тошкент Давлат шарқшунослик институти» нашриёти. 2003

<sup>25</sup> Холлиев А.Ғ. «Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США». Дисс. к.и.н. - Т. АНРУз Институт истории, Ташкент 1998.

<sup>26</sup> Супян В.Б. Американская экономика: новые реальности и приоритеты // США: экономика, политика, идеология. – Москва, 2000, №5; Он же. Сфера труда в США: новые тенденции // США: экономика, политика, идеология. – Москва, 1998, №6; Он же. Образование в США: состояние и приоритеты развития // США и Канада: экономика, политика, культура. – Москва, 2000, №1; Он же. Глобализация американской экономики и ее последствия // Там же, 2001, №5; Он же. Роль государства в американской экономике // Там же, 2002, №1.

<sup>27</sup> Лебедева Л.Ф. Социальная политика в отношении престарелых // США: экономика, политика, идеология. - Москва, 1997, №7; Лебедева Л.Ф. Проблемы социального обеспечения: новые подходы и решения // США и Канада: экономика, политика, культура. - Москва, 1999, №5; Лебедева Л.Ф. Политика трудоустройства социально уязвимых групп населения в США // Там, 2001, №9.

<sup>28</sup> Попов А.А. Пенсионные системы США и России: эволюция и попытка реформ // США и Канада: экономика, политика, культура. – Москва, 2001, №3; Попов А.А. Социальная политика как гарант политической стабильности // США и Канада: экономика, политика, культура. – Москва, 2002, №5

<sup>29</sup> Червонная С.А. Новые аспекты регулирования трудовых отношений в США // США: экономика, политика, идеология. – Москва, 1995, №2; Червонная С.А., Попов А.А. США: административно – правовой механизм регулирования социальных конфликтов // США и Канада: экономика, политика, культура. – Москва, 1998., №3.

<sup>30</sup> Вишневская Н.Т. Рынок рабочей силы в ретроспективе XX столетия // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2001, №9.

<sup>31</sup> Рогов С.М. Американское государство накануне третьего тысячелетия. //США: экономика, политика, идеология. – Москва, 1998, №11; Дейкин А.И. Экономика США после «эпохи бюджетных дефицитов» // США и Канада: экономика, политика, идеология. – Москва, 2000, №1; Клинов В.Г. Экономическая программа Клинтона. (Обзор критических оценок) // Там же, 1994, №1; Богачева О.П. Экономический подъем в США – второе дыхание // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 1997, №3.

<sup>32</sup> Люттов А.А. Государственная политика США в области занятости и безработицы на рубеже XX – XXI веков. Дисс. к.ист.н. –М.: РАН Институт США и Канады, 2002.

А.Г.Коняхиналарнинг<sup>34</sup> илмий изланишлари АҚШнинг ички ижтимоий иқтисодийнинг айрим масалаларига бағишланганлиги билан характерланади.

**“У.Ж.Клинтон маъмурияти ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари”** номли иккинчи бобда У.Ж.Клинтон маъмурияти ижтимоий-иқтисодий дастурининг асосий йўналишлари ва ҳаётга татбиқ этилиши натижалари тадқиқ этилган.

У.Ж.Клинтон ўзидан аввалги Дж.Буш маъмурияти даври ҳақида "Биз 1989 йилдан 1992 йилгача сўнгги 50 йил ичидаги энг секин иқтисодий ўсишни бошдан кечирдик", деган эди<sup>35</sup>. 1993 йилга келиб, мамлакатнинг бюджет дефицити АҚШ тарихида энг рекорд даражага етиб – 290,404 млрд долларни ташкил этди<sup>36</sup>. Шу билан бирга, ўрта табақа америкаликларнинг реал даромадлари пасайди. Мамлакатда ишсизликнинг ўсиши билан параллел равишда, АҚШнинг ташқи савдо дефицити ва молиявий ички давлат қарзи ўсиб бориши давом этди.

У.Ж.Клинтон бошчилигидаги "янги демократлар" ижтимоий ислохотлар (соғлиқни сақлаш, таълим, пенсия ва бошқа соҳалар)ни кенгайтиришга киришди. Буни амалга ошириш учун керак бўлган катта миқдордаги маблағларни демократлар Конгресс орқали ўтказишда “неоконсерватив” руҳда бўлган республикачилар томонидан тўсқинликка учради. Лекин 1990 йилларнинг биринчи ярмида америкалик сиёсий ҳукмрон доирасидаги бюджет сиёсати масаласида У.Ж.Клинтон Конгрессдаги демократлар кўпчилиқни ташкил этиши ҳисобига ижобий ҳал этишга муваффақ бўлди.

Бироқ 1994 йилда Конгрессда “оралиқ сайловлардан” сўнг Республикачилар Вакиллар палатаси ва Сенат таркибида Демократларга нисбатан кўпчилиқни ташкил этди. Айнан шундан сўнг “алоҳида бошқарув” ҳолати, У.Ж. Клинтоннинг иккинчи президентлик муддати тугаганига қадар давом этди. Шу нуқтаи-назардан, "неоконсерваторлар" ва "неолибераллар"нинг муросасиз қарама-қаршилиги мамлакатни 1995-1996 йилларда "бюджет уруши"га ва кескин ҳукумат инқирозига олиб келди. Республикачилар билан янги консенсус усуллари излаш учун “янги демократлар” бюджет сиёсатини, “учинчи йўл” стратегиясига ўзгартиришга сабаб бўлди. Натижада, ҳукуматнинг икки тармоғини яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларини бюджет муаммолари бўйича яқинлашишига олиб келди.

У.Ж.Клинтон, 1996 йилдаги президентликка қайта сайлов кампанияси давомида ўтган тўрт йиллик давр мобайнида олиб борилган ишларнинг натижаси сифатида, 1994 йилда 10 йил ичида биринчи марта Швейцарияда

<sup>33</sup> Иванов О.А. Иммиграция и иммиграционная политика в США :1990-е годы. Дисс. к.и.н. - М.2005.

<sup>34</sup> Коняхина А.Г. Социальная политика Билла Клинтона 1992 — 1996: автореферат диссертации кандидата исторических наук // [www.dissercat.com/content/sotsialnava-politika-administrasii-Billa-Klintonna-1992-1996-gg](http://www.dissercat.com/content/sotsialnava-politika-administrasii-Billa-Klintonna-1992-1996-gg)

<sup>35</sup> Clinton Address Before a Joint Session of the Congress on the State of the Union 1994 // The American Presidency Project / G. Peters and J. T. Woolley. – Electronic data. – Santa Barbara, [S.d.]. – URL:<http://www.presidency.ucsb.edu/ws/index.php?pid=50409>

<sup>36</sup> Budget of the U.S. Government. Historical Tables. Fiscal Year 2002 // GPO / U.S. Government. – Electronic data. – Washington, 2002. – URL:<http://www.gpo.gov/fdsys/pkg/BUDGET-2002-TAB/pdf/BUDGET-2002-TAB.pdf>.

бўлиб ўтган Бутунжаҳон Иқтисодий Форумида АҚШ иқтисодиётини дунёдаги энг рақобатбардош, деб таъкидлаган эди. Шунингдек, 1995 йилда Америка Қўшма Штатларини Япония ва Германияга нисбатан тезроқ ривожланиб бораётганини ҳам қайд этган<sup>37</sup>.

У.Ж.Клинтон президентлигининг иккинчи даврида АҚШнинг иқтисодий ривожланиши давом этди. 1997 йил охирида президент давлат бюджетининг камомадини минимал даражага қисқартирган ва 1998 йил учун дефицитсиз бюджетни режалаштирган эди. Айрим иқтисодчилар ва сиёсатшунослар ҳисоб-китобларни амалга ошириб, 1998 йилда ҳукумат даромадлари ҳатто харажатлардан ҳам ошиши мумкинлигини эътироф этган эдилар<sup>38</sup>.

Ижтимоий соҳада таълим муаммолари алоҳида ажралиб турган. Қўшма Штатларда, тарихий жиҳатдан, таълим тизими асосан давлат ва маҳаллий ҳукуматлар томонидан молиялаштирилган, 1990 йилгача федерал молиялаштириш бу соҳада йилига 12,1% гача чекланган эди<sup>39</sup>. У.Ж. Клинтон ўрта таълим мактабларига эркин инвестицияларни кўпайтириш, улар учун стандартларни ошириш, коллежларга имкон қадар кўпроқ ўқувчиларни кириши учун рағбатлантиришни таклиф қилди<sup>40</sup>. Президент «Хэд старт» (Head Start) дастурини АҚШдаги бошланғич таълимнинг энг муваффақиятли дастури деб ҳисоблаб<sup>41</sup>, унинг тўлиқ молиялаштирилишини қўллаб-қувватлади<sup>42</sup>. Ушбу дастур кам таъминланган оилалардаги мактабгача ёшдаги болаларга тайёргарлик кўришга ёрдам берди. Унинг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, ўрта таълим, болалар саломатлиги ва оилавий фаровонликни таъминлашга хизмат қилди. Бундай кенг қўламли ижтимоий дастур туфайли демократларга электорал кўмак таъминланди.

У.Ж.Клинтон ҳукуматининг сўнгги йилларда АҚШда ўрта мактабларни техник жиҳозлаш сезиларли даражада яхшиланди. Агар 1990-1991 ўқув йилида давлат мактабларида 20 та талабага битта компьютер тўғри келса, 1995-1996 йилларда 10 та талабага – 1 та, XX асрнинг охирида эса, 6 нафар талабага 1 та компьютер тўғри кела бошлади. 1999 йилда мактабларнинг 69,7 фоизи интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга эди (1996 йилда – 16,8 фоиз), мактабларнинг 58,3 фоизида маҳаллий компьютер тармоқлари мавжуд эди<sup>43</sup>. Тинчлик корпусининг модели мисолида америкалик кўнгиллилар корпуси тузилди (200 мингга яқин одам), унинг аъзолари жамиятга тааллуқли муаммоларни ҳал этишда қатнашиб, хусусан, ўқишларида муваффақиятли бўлмаган болаларга ёрдам берди<sup>44</sup>.

<sup>37</sup> Clinton W.J. Eight years of Peace, Progress and Prosperity. - Washington, 2001.P. 17.

<sup>38</sup> Загладин Н. Демократическая партия США: от либерализма к идеологии «третьего пути» //Мировая экономика и международные отношения – Москва, 2000, № 7. - С. 61-71.

<sup>39</sup> Уш ерда Б. 61-71.

<sup>40</sup> Клинтон Б. Моя жизнь / Б. Клинтон. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – С. 512-513

<sup>41</sup> Office of Head Start // U.S. Department of Health & Human Services. – Electronic data. –Washington, [S. d.]. – URL: <http://www.acf.hhs.gov/programs/ohs> (access date: 05.05.2016).

<sup>42</sup> Clinton Radio Address 1993.// <http://www.presidency.ucsb.edu/ws/index.php?pid=46053>

<sup>43</sup> The World Almanac and Book of Facts. - New Jersey, 2000. - P. 247.

<sup>44</sup> Ibid. - P. 250.

АҚШ мамлақати учун анъанавий равишда оғриқли нуқта бўлиб келган ирқлараро муносабатларнинг ҳолати ўз долзарблигини сақлаб қолди. У.Ж.Клинтон маъмурияти даврида оқ ва “рангли” фуқароларнинг даромадларидаги фарқ сезиларли даражада камайиб, натижада этник озчиликларнинг вакиллари юқори лавозимларни эгаллаш имконияти яратилди. Хусусан, У.Ж.Клинтоннинг ҳисоботида «ирқларнинг тенглиги» сиёсатининг муваффақияти афро-америкаликлар маъмуриятидаги жойларнинг 14 фоизи (1990 йилларнинг бошида республикачиларнинг даврдан икки бараваридан кўп)ни ташкил этди<sup>45</sup>.

Шу билан бирга, оқ танли ва оқ танли бўлмаганларнинг даромадлари даражасида фарқ сезиларли бўлди. Масалан, 1998 йилда оқ танлиларнинг 10,5 фоизи қашшоқлик чегарасидан паст бўлган, афро-америкаликларнинг 26,1 фоизи ва испан-америкаликларнинг 25,6 фоизини<sup>46</sup> ташкил этиб, оқ бўлмаган оилаларнинг фарзандлари учун уй шароитларида таълим олишни чеклаб қўйди.

У.Ж.Клинтон маъмурияти ҳокимиятнинг бошланғич даврида сайловолди платформасидаги кўплаб масалаларни ҳал қилди. 1993 йил сентябрь ойида давлат муассасаларини ислоҳ қилиш учун вице-президент А.Гор бошчилигида комиссия тузилди. Комиссия давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича 380 дан ортиқ таклифларни тақдим этди. Шу жумладан, бир-бирига ўхшаш дастурларни бекор қилиш, органларда масъулиятни тақсимлаш, вазифаларнинг бир қисмини жамоатчилик ва тижорат тузилмаларига ўтказиш, бу эса, бошқарув харажатларини камайтириш ва ходимларни қисқартириш имконини бериши, уни янада мослашувчан ва ўзгарувчан, фуқароларнинг ижро этувчи ҳокимият органларига бўлган ишончини оширишга хизмат қилиши керак эди<sup>47</sup>.

Бошқарув институтларини ислоҳ қилиш билан бир қаторда, демократ президентнинг маъмурияти ҳам Янги Орлеан декларациясида мавжуд бўлган бошқа ғояларни ҳам амалга оширди. Шундай қилиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажариш учун фуқаролик жавобгарлиги соҳасини кенгайтиришга қаратилган институтларни яратиш концепцияси миллий хизмат қонуни доирасида амалга оширилди. Бу эса ўқувчиларни жамият манфаати учун меҳнат қилиш йўли билан пул топиш имконини берди. 1994 йилги Жиноят Кодексида, унинг асосида 100 мингга яқин жамоавий кўнгилли полиция ташкил этилган (The Crime Bill)<sup>48</sup>. Бошқа қонунлар билан бир қаторда бу аёлларни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш (Violence Against Woman Act), собиқ махбусларга ўқотар қурол савдосини чеклаш (The Bready Bill) ўқотар қурол савдосини чеклаш, жиноятчилик даражасининг пасайиши каби АҚШ учун муҳим муаммоларни ҳал этишга хизмат қилган.

<sup>45</sup> Clinton W.J. Eight years of Peace, Progress and Prosperity. - Washington, 2001. - P. 101.

<sup>46</sup> The World Almanac and Book of Facts. - New Jersey, 2000. - P.393.

<sup>47</sup> Травкина Н.М. Политическая борьба в Конгрессе США вокруг принятия проекта федерального бюджета на 1999 финансовый год // mvw.iskran.ru/russ/works98/travkina2.html

<sup>48</sup> <http://www.whitehouse.gov>.

Клинтон президентлигининг саккиз йиллик даврида 23 миллион янги иш ўринлари яратилди (улардан учдан бир қисми ахборот соҳасида); ишсизлик даражаси рекорд даража - 4% га тушиб кетди, бу табиий ишсизлик даражасидан пастдир; меҳнат унумдорлигини ошириш; камбағаллик чизиғидан паст бўлган аҳоли улуши сезиларли равишда камайди; номинал ва реал иш ҳақи ошди<sup>49</sup>.

1998 йил Қўшма Штатларда Ишчи кучларни инвестициялаш тўғрисидаги меҳнат қонуни («The Workforce Investment Act») қабул қилинди ва 2000 йилнинг июнь ойида кучга кирди. Хусусан, у меҳнат бозорида яхшироқ йўналтирилганлиги ва энг муносиб касб-ҳунарга ўқитиш курсини танлаш учун фуқароларга зарур маълумотларни тақдим этишни назарда тутган<sup>50</sup>.

1990 йилларда ижтимоий хавфсизликни бевосита тартибга солиш усуллари, шунингдек, бандлик ва ишсизлик Америка давлатида кенг тарқалган эди. Бевосита таъсирнинг бир мисоли иш берувчиларга ижтимоий хизматларни кенгайтиришдан тўғридан-тўғри иқтисодий фойдаларни кафолатлайдиган солиқ имтиёзлари ва ходимлар учун маошларни ижтимоий нафақаларга қараганда яхшироқ даромад манбаи қилиб беришдир. 800 дан ортиқ ижтимоий таъминот дастурлари амалга оширилди<sup>51</sup>. Бундан ташқари, демократлар иккита анъанавий дастурга алоҳида эътибор қаратдилар:

1) Қариллик бўйича, боқувчисини йўқотган ҳолда ижтимоий суғурталар умумий федерал дастури;

2) «Медикэр» – тиббий суғурталаш дастури (65 ёшга етганлар ва улардан катталарга)\*.

Бундан ташқари, ушбу йилларда Қўшма Штатлар барча даражадаги давлат хизматчилари учун мўлжалланган пенсия суғуртаси дастурлари, шунингдек, темир йўлчилар ва ҳарбий хизматчилар учун алоҳида суғурта дастурлари; федерал тўлиқ ишсизлик суғуртаси дастури; ишлаб чиқариш шикастланиши ва касбий касалликлар бўйича федерал ва давлат компенсация дастурларини амалга оширдилар. У.Д.Клинтон маъмурияти бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган моддий ёрдам дастурларига катта эътибор берди. Улар орасида қўшимча даромадлар орқали турли федерал дастурлар, яъни фахрийларга ёрдам бериш, муҳтож бўлган кўп болали оилаларга вақтинча ёрдам бериш, «Медикэйд»\*, федерал-штат пулли дастурларини ва бошқаларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

<sup>49</sup> <http://www.whitehouse.gov>.

<sup>50</sup> The Budget for Fiscal Year 2001. - P.50 - 52.

<sup>51</sup> <http://www.whitehouse.gov>.

\* «Медикэр» (Medicare) федерал тиббий суғурта дастури. Унда асосий суғурта (А қисми) касалхонада даволаниш ва қўшимча равишда (Б қисми) киради. Биринчиси ишчилар ва тадбиркорлар томонидан молиялаштирилади. Бутун меҳнат фойяти давомида ишга ёнланувчи каби солиқ тўлайди. Ушбу турдаги суғурта стационар даволаш учун векселларни тўлашни назарда тутди. Қўшимча суғурта ихтиёрий бўлиб, ходимларнинг бадаллари ва федерал ҳукумат томонидан ажратилган субсидиялар билан қопланади. Поликлиникада амбулатор даволаниш ва шифокорга ташриф буюриш учун қўшимча маблағ тўланади.

